

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МИЛЛИЙ ХУДУДИЙ ЧЕГАРАЛИНИШ ТАРИХИДАН (КОНЕМИХ ТУМАНИ МИСОЛИДА)

*Навоий давлат педагогика институти (Ўзбекистон)
доценти (PhD) Холикулова Шахноза Боймухамматовна
Магистр Маматиаринов Нурхан Женисович*

Аннотация: Муаллиф ушбу мақолада муаллиф бир Конемих тумани мисолида собиқ иттифоқ давридаги миллий худудий чегараланиш сиёсатининг оқибатларини очиб берган. Иттифоқнинг миллий масалага айирмачилик кайфиятида муносабатда бўлганлигини кўришимиз мумкин.

Калит сўзлар: миллий масала, айирмачилик, Қозоқ-қора-қалпоғистон, Конемих мухтор тумани, ишчилар, Конемих тумани бухоро вилояти таркибида, Навоий вилоятининг қайта ташкил этилиши.

Большевиклар партияси бош бўлган совет ҳокимияти Туркистон мустақиллиги учун курашган ватанпарвар, эркесвар истиқлолчилар ҳаракатини даф этишга муваффақ бўлгач, эндиликда бу худудда узокқа мўлжалланган ўз маккорона режаларини амалга оширишга киришди. Шу мақсадни кўзлаб, у XX асрнинг 20-йиллари бошларидан бу заминда мусталакачиларга хос бўлган «орани буз, ҳокимлик қил» қабалидаги ўз миллий сиёсатини ҳаётга изчил татбиқ этиш йўлини тутди. Аслида советларнинг миллий сиёсати чоризмнинг кўп замонлар бу юртда юритиб келган шовинистик, улуғ давлатчилик сиёсатидан моҳият эътибори билан фарқ қилмасди. Фақат унинг шакли-шамойили ўзгарганди, холос.

Гап шундаки, чоризм ҳукмронлиги даврида чекка ўлкалар халқлари очиқ-ошкора тарзда камситилар, уларнинг инсоний кадр-қиммати, ор-номуси, аслий миллий қадриятлари таҳқирланар эди. Совет мутасаддилари эса ўзларининг ниқобланган сохта ишлари, ёлғон-яшиқ ваъдалари ва даъватлари билан мазлум миллат кишиларини лақиллатишга, ўз ҳукмларига бўйсундиришга, «ягона Туркистон учун» кураш ғоясини йўққа чиқаришга интилдилар[1].

Бу даврда ҳозирги Ўзбекистон худудлари РСФСР тасарруфидаги Туркистон АССР, Бухоро ва Хоразм Халқ Совет Республикалари таркибига кирарди. Табиийки, советлар бу республикаларда зўр бериб ўз ҳукмронлик мавқеини кучайтириш ва мустаҳкамлашга интиларди. Хусусан, 1920 йилда большевиклар Россияси ва унинг бевосита ташаббуси ҳамда раҳнамолигида амалга оширилган «халқ инқилоблари»дан сўнг вужудга келган Хоразм, Бухоро Халқ Республикалари дарҳол советлар таъсирига олинган эди. Бу республикаларнинг кейинги қисқа даврлик тарихий тақдири ҳам большевиклар ҳокимиятининг

тўлиқ ҳукмронлиги таъсирида кечди. 1923-24 йилларга келиб «социалистик ўзгаришлар»нинг чуқурлашиб бориши давомида эса улар Совет Социалистик Республикаларига айлантирилиб, инон-ихтиёрлари Москва тасарруфига ўтказилди. Бу хатти-ҳаракатларнинг барчаси ўлка халқларининг хоҳиш-иродасига зид ўлароқ ҳукмрон Марказ томонидан амалга оширилди.

Туркистон аҳолисини миллий белгиси бўйича гуруҳларга ажратишга қаратилган мафкуравий, сиёсий, тил-маданият ва бошқаларга доир бир қатор тадбирлар билан бирга 1920 йилдан эътиборан тажриба қилина бошланган туркман, ўзбек съездлари, конференция ва кенгашларини ўтказишга шакшубҳасиз кенг ўрин ажратидди. Турккомиссия ташаббуси билан чақириладиган бундай съездлар, конференция ва кенгашлар одатда муайян миллий гуруҳнинг мустақил ҳудудий-маъмурий бирлик бўлиб чиқишга «истак билдирганлиги»ни намоён қилишдан иборат эди. Шундай йўл билан Туркистон харитасида Туркманистон вилояти пайдо бўлди.

Туркистон Республикаси ҳудудида истиқомат қилувчи қозоқ ва қирғиз аҳолиси тўғрисидаги масалалар чўзилиб кетган мураккаб хусусият касб этди. 1920 йил 26 августда РСФСР БМИҚ ва ХККнинг «Қирғизистон (Қозоғистон) Автоном Совет Социалистик Республикасини ташкил этиш тўғрисида»ги декрета муносабати билан Туркистон Республикаси таркибига кирувчи қозоқ ҳудудларининг «аҳолининг истак билдириши билан» янги тузилган республика ҳудудига кўшилиши тасдиқланди. Шунга биноан ТуркМИҚ 1920 йил октябрда Манғишлоқ уездини ва уезднинг икки волостини Қозоғистон Республикасига берди. Бошқа ҳудудларнинг (Сирдарё ва Етгисув вилоятлари) тақдири тўғрисидаги масала 1921—1922 йилларда ҳар иккала республиканинг раҳбар органлари, Туркистонда яшовчи қозоқлар съездлари даражасида узлуксиз, кўп марта муҳокама қилинди. Бироқ у йилларда бу масала ўз ечимини топмади.

Қирғизистон вилоятининг ташкил топиши лойиҳаси теварагида ҳам кўпгина тортишувлар бўлди. Бу вилоятни таъсис этиш юзасидан 1922 йилда ўтказилган «буржуа-миллатчилик тамойилларига эга бўлган дабдабали характердаги» съездга асосланиб, туркистонлик раҳбар органлар вилоятнинг ташкил топиши учун ҳали шарт-шароитлар етилмаган деб топдилар ва бу масалани ҳам кечиктиришга қарор қилдилар[2].

Шундай қилиб, Ўрта Осиёда ўтказилган миллий давлат чегараланиши натижасида Ўзбекистон ва Туркманистон ССР, Тожикистон АССР ҳамда РСФСР таркибига Қора-Қирғиз ва Қорақалпоқ мухтор вилоятлари ташкил этилди.

Қорақалпоқ мухтор вилояти дастлаб Қозоғистон АССР таркибига, 1930 йилдан эса РСФСР таркибига кирди. 1932 йилда у мухтор республикаси деб эълон қилинди ва 1936 йилдан бошлаб Ўзбекистон ССР таркибига кирди.

Тожикистон АССР бўлса ўша вақтда Ўзбекистон ССР таркибига кирган эди. 1929 йилдан эса иттифоқдош Республика сифатида ажралиб чиқди [3].

Конимех тумани – республикамиздаги дастлабки туманлардан бири, 1925 йил 29 январда ташкил топган. Маркази Конимех шаҳарчаси бўлган Конимех тумани Навоий вилоятининг шимоли-ғарбида жойлашган. Шарқдан Навбахор, шимоли-шарқдан Нурота, ғарбдан Томди, Учқудук, жанубдан Қизилтепа туманлари, ғарбдан Бухоро вилоятининг Ёждувон, Пешку туманлари билан чегарадош, туман Конимех шаҳарчаси, Боймурод, Саржал, Учтепа, Чордара, Янгиобод, Янгиқазган, Қарақота каби қишлоқ ва овул фуқаролари йиғинларидан иборат [4].

Конемих туманини ташкил этилиши дастлабки ҳужжатлар архив фондларида сақланган. Ўзбекистон миллий архиви фондларида ЎзССРнинг ҳужжатлар тўпламида сақланаётган маълумотларга асосан Конемих туманини қайта ташкил этилиши хусусида ҳужжатлар мавжуд. Унга кўра, МИК IV-сессияси Олий кенгаш советининг қарорига кўра республикалар туманлаштирилди, унга кўра Ўзбекистон ССРнинг таркибида алоҳида Қозоқ-қора-қалпоғистон Конмех райони ташкил этилди. Унга кўра, Конимех райони марказ сифатида Қорақалпоғистонга АССРга мурожаат этадиган бўлади [5].

Республикамиздаги бошқа туманларга қараганда Конимех туманининг табиати ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, рельефи, асосан, текислик, катта қисми Қизилқум чўлларида иборат. Конимех шимоли-шарқида Қизилқум чўли, жануби ва жануби-ғарбда Зарафшон водийси билан туташган. Туманнинг ғарбида Овминзатовнинг шарқий тармоқлари жойлашган бўлса, жанубий қисмида Қарақота ботиғи бор. Туманда оқар дарё йўқ бўлганлиги учун, асосан, артезиан сувларидан фойдаланилади. Туман марказидан Конимех ариғи оқиб ўтади, унинг сувидан Шўркўл сув омбори қурилган. Туман аҳолисининг асосий қисмини ўзбек, қозоқ, қорақалпоқлар, шунингдек, бошқа миллат вакиллари ташкил этади. Туман иқтисодиётининг асоси қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоқлари – чорвачилик (қорақўлчилик), ғаллачилик ва пахтачиликдан иборат. Республиканинг дастлабки таянчларидан бири бўлган туманнинг “Конимех” деб номланиш этимологияси турли тадқиқотчилар томонидан турлича талқин этилган. Чунончи, Йўлдош Муқимовнинг “Минг маржон”, Д.Мамыровнинг “Кенимех” (Кенимех қысқаша тарихи очерк және деректер) китобларида куйидагича фараз келтирилади: “Эрон шохининг ўғли Шопур Турон султонининг қизи Меҳрибонуга уйланмоқчи бўлади. Бироқ султон ёлғиз қизи эканлигини важ қилиб, тўйга розилик бермайди. Бундан аччиқланган Эрон шохи туронликларга қарши уруш очмоқчи бўлади. Бу орада шахзода Шопур Меҳрибонуни излаб Нурота тоғларига келиб қолади. Бу ерларни сувсиз ётганини кўрган Шопур икки ариқ қаздирган, бирини ўз номига Шопурком, иккинчисини

ёрига атаб Коми меҳр – Меҳр ариғи, деб ном беради”. Шу тариқа Коми меҳр сўзидан Конимех сўзи келиб чиққан, дея талқин этилади [6].

А.Мухаммаджонов “Сеҳрли тилсимли жойлар” номли мақоласида масаланинг ечимига охириги нуқта-ни қўйди. Унинг фикрича, Конимех “Коми Муғ” сўзининг бузиб айтилишидир. Ушбу сўзнинг ўзаги “Ком” сўзи қадимда “катта ариқ”, “дарё тармоғи ёки анҳор” маъносида ишлатилган. “Меҳ” бирикмаси аслида сўғдча “мох” ёки “муғ” сўзларининг бузилган шакли бўлиб, у оташпараст, ўтпараст, зардуштий ёки бутпараст маъносини англатган. Мазкур қишлоқда “муғ” номи билан тилга олинган зардуштийлар динига сиғинган кишилар яшаганлар[7].

Конемих тумани миллий таркиби асосида 1925 йилда Қозоқ-қорақалпоғистон (Қорақалпоғистон)га қараган бўлса, кейинчалик маъмурий ҳудудий жойлашуви асосида қатор йилларда унинг маъмурий маркази ўзгариб борди. Ўзбекистон миллий архиви фондларида сақланётган ҳужжатларда кўрсатилишича, Ўзбекистон ССРнинг Олий совети қарорида кўрсатилишича, Қорақалпоғистон АССРи ва жойлардаги марказий кометет кўп сонли депутатлар ва ишчиларнинг таклифига асосан, бошқариш ва хизмат уўрсатишни қулайлайтириш учун кўйидаги районларнинг маъмурий вилоят марказлари ўзгартирилади.

Қорақалпоғистон АССР таркибига

Тахтақўпир райони- район маркази Тахтақўпир аули: унинг таркибига аулсовет Карл Маркс, Ленин, Калинин, Тахтақўпир ва Чимбай районлари

Бухоро вилоятига:

Конемих райони - маркази Конемих шаҳар пасёлкаси. Конемих райони таркибига қуйилдаги селсоветлар қарашли эди: Коммунизм, октябрнинг 40 йиллиги Навоий райони, Жонгелди ва ўзбекистоннинг 40 йиллиги Ромитан райони ҳудудлари киритилди[8].

Демак, юқоридаги ҳужжатга асосан, Конемих тумани 1965 йилдан Бухоро вилоятига район сифатида қарашли эди. Кейинги ҳужжатга асосан, 1982 йилда Навоий вилояти янги маъмурий ҳудудий бирлик сифатида ташкил этилиши муносабати билан яна марказ вилоят ўзгаради.

Ўзбекистон ССРи Олий Совет Президуми саноат ва қишлоқ хўжалиги соҳаларини ривожланиб бораётганлиги сабабли Ўзбекистон ССРи таркибида Навоий вилоятини ташкил қилиш хусусида қарор имзолади.

Навоий вилоятининг маркази Навоий шаҳри этиб белгиланди. Вилоят таркибига: Навоий шаҳри, Зарафшон, Учқудуқ, Конемих, Қизилтепа, Навоий, Навбахор, Томди, Учқудуқ райони Бухоро вилоятидан, Нурота ва Хатирчи туманлари Самарқанд вилояти ҳудудидан олинди[9].

1988 йилда Навоий вилояти маъмурий бирлик сифатида тугатилади. Натижада Конемих тумани қайта бухоро вилояти маъмурий ҳудудига киритилади.

1992 йил 27-январда меҳнаткашларнинг кўп сонли истакларини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгвиши риёзатининг қарори билан, навоий вилояти аввалги чегаралари қайтадан тикланиб, Навоий вилоятининг Навоий, Зарафшон ва Учқудуқ шаҳарлари, Конемих, Қизилтепа, Навбахор, Навоий, Томди, Учқудуқ ноҳиялари. Самарқанд вилоятининг Нурота ва Хатирчи ноҳиялари киритилади[10].

Хулоса қилиб айтганда, Конемих тумани 1926 йил 16 июнда ташкил топган советларнинг кучли миаллий ҳудудий чегараланиши натижасидан Конемих тумани 1926 йилнинг Конемих-қозоқ-қорақалпоқавтоном автоном райони тузилди. Районни тузиш Т.Арслонбоевга топширилди. Қарақалпоғистон Республикаси Марказий ижроя Кометитига қарайдиган автоном район қилиб белгиланди. Бугун 14 хил миллат вакиллари яшаб келмоқда. Конемих тумани йиллар давомида. 1958 йил, 1982 йил ва 1992 йил турли вилоятлар таркибида бўлди. Бу албатта туман аҳолиси меҳнаткашларига турли қийинчиликлар туғдиради. Бугунги кунда 1992 йилдан Навоий вилояти таркибида Республикамининг ўзига хос тумани сифатида ривожланиб келмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Усмонов Қ., Содиқов М. Ўзбекистон тарихи.Т.:Шарқ, 2002. 69-70 б.
2. История коммунистических организаций Средней Азии. — Т., 1967. С. 722.
3. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2 китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида –Т.:Шарқ, 2000. –Б.297.
4. Мустафоев.Ж. У.Нарзуллаев. Л.Бердимуратова.А.Сафаров. Конемих тумани: кеча ва бугун. –Навоий, “Sahhof”. 2022. –Б. 16.
5. Ўзбекистон миллий архиви. Ф-И2- Йиғма жилд-24.Варақ-66
6. Йўлдош Муқимов. Минг маржон. – Кенимех: 1992. – Б. 88; Қожаҳметов Н., Мамыров Д. Кенимех
7. таңы. Дэйекті деректер мен қисқача әңимілер. – Кенимех: 1995. – Б. 6–7., Мамыров Д. Кенимех (Кени-
8. мех қысқаша тарихи очерк және деректер). – Кенимех: 2003. – Б. 18–19.
9. Мухаммаджонов А. Сехрли тилсимли жойлар. – Т.: “Фан ва турмуш журнали”. 1993. №1. –Б 10.
10. Ўзбекистон миллий архиви, Р-2454 фонд, Рўйхат-6, 982-йиғма жилд, 19-варақ.
11. Ўзбекистон Миллий Архиви, Р-2454 фонд, 6-рўйхат, 4747-йиғма жилд, 176- варақ.
12. Ўзбекистон Миллий Архиви, Р-2455 фонд, 6-рўйхат, 4727-йиғма жилд, 43- варақ.